
Суд раислари Ўзбекистон туманида навбатдаги сайёр қабулни ўтказишади!

Фарғона вилояти суди раисининг ўринбосари А.Мадаминов бошчилигидаги вилоят судининг судьялари, ҳудуддаги туманлараро ва туман судларининг раислари Ўзбекистон туманида навбатдаги сайёр қабулни ўтказишади.

Фуқароларнинг жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, тадбиркорлик фаолияти, фуқаролик ва оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид масала ва мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкилланаётган мазкур сайёр қабул 2021 йил 17 апрель, шанба куни соат 10:00 дан бошлаб "Қайнар" маҳалла фуқаролар йиғини биносида ташкил этилади.

☎Мурожаат учун телефон: 73-539-52-13

2021-04-15 16:02:22